

Мирзаободда янги масжид қурилади

hilolnashr.uz islom.uz grandtalim.uz



Мирзаободда янги масжид қурилади



10:51 / 15.05.2020 2395

Ер юзини мўмин-муслмон бандалари учун саждагоҳ қилиб берган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

Масжид қурганларга жаннатдан қасрлар хушхабарини умматларига етказган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга дуруду салавотларимиз бўлсин!

Сардоба сув омборидаги сув тошқинида зарар кўрган юртдошларимизга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш асносида Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманидаги «Ҳазрати Усмон» жомеъ масжиди ҳам талафот кўрганидан бохабар бўлган эдик. Масжид жойлашган «Навбахор» қишлоқ фуқаролар

Йиғини ҳудудидаги «Гулистон» маҳалласига бориб, маҳаллий аҳоли билан бирга масжид биносини бориб кўрдик. Масжид 1991 йили ҳашар йўли билан қурилган бўлиб, 250-300 кишига мўлжалланган. Масжид биноси сув тошқинида жиддий талафот кўрган.

Шу муносабат билан, «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти, islom.uz портали ҳамда Grand ta'lim НТМ жамоаси гулистонлик юртдошларимизга ушбу масжидни қайтадан қуриб беришга розилик сўради. Аллоҳнинг фазли карами ила бу масжидни қайта қуриш шарафига раҳбариятимизнинг бизга билдирган ишончи ила муяссар бўлиб турибмиз.

Масжид қуришдек шарафли вазифани адо этиш Аллоҳ таолонинг улуғ фазлидир. Ана шундай улуғ вазифа зиммамизга юкланар экан, Аллоҳ таолодан ихлос ва тавфиқ сўраб, мухлис халқимиздан хайрли дуолар сўраб, ишга киришамиз.







Аллоҳ таоло Ўзининг бу байтини тез кунларда, тинчлик-хотиржамликда, ҳалол пешона тери билан қуриб битказилишини, халқимизга кечаю кундуз хизмат қилишини, Роббимизнинг зикри, каломининг қироати, кундалик намозлари, жума ва ҳайит намозлари бардавом адо этилишини насиб қилсин!